

Таълим Жараёни Сифатини Уч Асосий Жихати

Нематова Наргиза Мухторовна¹

Аннотация: Мақолада, олий таълим муассасаларида ўкув жараёнини самарали ташкил этиш, сифатини таъминлашга нисбатан инновацион, ноаъанвий ёндашув. Бугунги кун талабларига “таълим сифати” тушунчаси, таълим сифатини касбий англашнинг комплекс тавсифи, замонавий ривожланиш босқичида ижтимоий, иқтисодий, хуқуқий, ахлоқий тараққиёт ҳамда талабларига мос фаолиятни муваффақиятли юритувчи мутахассис қобилиялари, иқтидори ва иш фаолияти түғрисида баён этилган.

Калит сўзлар: Олий таълим, ўкув жараёни, таълим сифати, касбий англаш, замонавий ривожланиш, муваффақият.

Олий таълим муассасаларида ўкув жараёнини самарали ташкил этиш таълим сифати ғояси нуқтаи-назаридан қаралғандагина эришиш мумкин. Сифатни таъминлашга нисбатан инновацион, ноаъанвий ёндашувсиз олий таълим тизими фаолиятини ривожлантириш мумкин эмас. Шу боис, “таълим сифати” ғояси умуминсоният ривожланишининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Буюк аждодларимиздан Юсуф Хос Ҳожиб шундай деганлар “Заковат бор жойда улуғлик, билим бор жойда буюклиқ бўлади”, Мирзо Улуғбек эса “Биз оламни обод қилиш учун яратилганмиз”, деб ёзган эдилар [1]. Оламнинг ободлиги инсон омилига, инсоннинг инсонийлигини белгиловчи мезон эса унинг билимлилигини, савиясини, тарбияланганлик даражасига боғлиқ. Юксак билим, кенг дунёқараш, жамиятда шахс сифатида ўз ўрнига эга бўлиш, албатта, ўқитувчининг тинимсиз меҳнатига, яъни сифатли таълимга боғлиқ .

Бугунги кун талабларига “таълим сифати” тушунчаси тўлиқ жавоб беради деб айтсак булаверади, қолаверса жамиятимизда ҳаёт фаолиятининг турли жабҳаларида ўз исботини топмоқда. Шу билан бирга, унга нисбатан умумқабул қилинган ҳозиргача ягона таъриф йўқ, буни турли хил ёндашув ва дунёқарашларнинг илгари сурилаётгани ва таълим фаолиятининг турли субъектлари томонидан амалиётга татбиқ этилаётганида кўришимиз мумкин.

Таълим сифатини касбий англашнинг комплекс тавсифи, замонавий ривожланиш босқичида ижтимоий, иқтисодий, хуқуқий, ахлоқий тараққиёт талабларига мос фаолиятни муваффақиятли юритувчи мутахассис қобилияти, иқтидори ва иш фаолияти билан белгиланади.

Ўқитувчининг қўлида келажак бугунги кун ёш-авлодни тақдири ётади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва халқимизга қилган мурожаатида асосий эътиборни Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-куватлашга қаратилишини таъкидлади. “Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади, қолаверса таълини тарбиядан ажратиб бўлмайди.

Таълим сифатини ошириш, фан ва технологиянинг энг сўнги ютукларини амалиётга жорий этиш асосида ижодий тафаккурли, касб-хунарли, тадбирли ва мустақил фикр юрита оладиган, ташаббускор ва тадбиркор, ўз жавобгарлигини хис этаоладиган ёшларни тайёрлаш каби мухим вазифаларни амалга оширишни назарда тутилади. Бу ўз навбатида таълим жараёнинда замонавий таълим технологияларидан фойдаланишни тақозо этади. Уларни қўллаш, аввало, педагогик муносабатларни инсонпарварлаштиришни талаб этади. Зоро, уни амалга оширмай туриб қўлланган ҳар қандай технология кутилган натижани бермайди [3].

¹ Тошкент давлат аграр университети, Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси




Бугунги кунда ўқитишининг анъанавий кўринишидан фарқ қиласиган замонавий технологияларни кўллаш, ўқитиши жараёнини ягона шаклга келтириш ва юқори самарадорликка эришишга имконият яратади. Шу боис хам илмий-техника тараққиётининг жадал суръатларда ривожланаётган ҳозирги даврда ўқитишининг анъанавий технологиялари бўлажак мутахассисларга йўналтирилган илфор технологиялар билан алмаштирилмоқда.

Таълим сифатини ошириш хукуматимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланиши соҳа мутахассислари, мутасаддилари зиммасига юксак вазифаларни юкламоқда. Ўқитувчи нафақат ўз фанини мукаммал билиши ва чуқур билимларга эга бўлиши, балки мутахассисларнинг ҳаётий эҳтиёжларини тушуниши, барча соҳада наъмуна бўлиши, нажот нафақат ўқитишида, балки юксак сифатли таълимда эканлигини чуқур англамоги лозим.

Ю.А.Масалова таълим жараёни сифатини уч асосий жиҳатларини алоҳида қайд этади (1-расм).

- биринчидан, билимлар, кўникмалар ва компетенциялар сифатидаги асосий хусусиятлар;
- иккинчидан, олий таълим томонидан тақдим этилаётган шарт-шароитлар;
- учинчидан, таълим муассасасининг обрўси, нуфузи, ўқитувчилар ва таълим олаётганларнинг коммуникатив лаёқати ва бошқа хусусиятлар тегишлидир деб таъриф беради.



1-расм. Таълим жараёни сифатини уч асосий жиҳати тузилмаси.

Таълим сифати тушунчасига С.Е.Шишов ва В.А.Кальней “Мактаб: таълим сифати мониторинги” деб номланган китобида умумий таъриф билан “Таълим сифати – таълим жараёни иштирокчиларининг эришадиган натижалари ва мақсадларининг таълим муассасаси томонидан кўрсатилган таълим хизматидан кондирилиш даражаси” ёки “Таълимдан кўзланган мақсад ва вазифаларга эришилган даражаси” [4] деб таъриф берган.


А.М.Моисеев “Ўқитиши сифати – талабалар, жамият ва буюртмачилар талаб ва эҳтиёжларини кондиришга қаратилган таълим натижаси хусусиятлари ҳамда тавсифининг ўзига хос жамланмаси” [3,4] деб таъриф беради.

Б.И.Нежнов, Б.Д.Хасанов, Н.В.Эльконинлар таълим сифати қуйидаги ўзига хос учта жиҳат билан ажralиб туришини таъкидлаган (2-расм):

- таълим натижалари ва мақсадларининг аниқ бир таълим тизими ёки таълим муассасаси даражасига мослиги кўрсаткичлари;
- алоҳида бир шахс таълим тайёргарлик даражасининг белгиланган параметрларга мослиги;



- назарий билим ва кўникмаларни шахсий ҳамда кундалик фаолиятда қўллай олишнинг мослиги даражаси [6].



2-расм. Таълим сифатини ўзига хос учта жиҳати тузилмаси.


Е.В.Набиева эса “таълим сифати” тушунчасини аниқлаштиришда тадқиқотчилар асосан 4 та ёндашувга оид таъриф берганликларини таъкидлайди: таълим муассасасининг шарт-шароитлар ва механизmlарга мос меъёрлар асосида фаолият кўрсатиши; мутахассислар тайёрлаш сифати; таълим стандартлари сифати; ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишга оид меъёрларнинг бажарилиши кабилар [5].

Сифат ҳақидаги фан “квалитология” бўйича мутахассис А.Шаталов олий таълимда ўқитиши сифати ҳақида тадқиқотларни амалга ошириб, натижалар, жараён ва таълим тизимининг эҳтиёж, мақсад, талаб ҳамда стандартларга мослиги [6] деган таърифни беради.

ЮНЕСКО раҳбари сифатида фаолият кўрсатган Ж.Делорнинг тарифлашича, инсон “Таълимнинг учта устунини” эгаллаши лозим (3-расм).

Улар: мустақил таълим олиш, меҳнат қилиш ҳамда жамиятда яшашни билишдан иборат. Олий таълимда сифатни баҳолаш ва уни белгилаш масалалари мураккаб бўлса-да, сифатни таъминлаш ва шарт-шароитларни яратиш талаблари кун сайин долзарблашиб келмоқда.





3-расм. Таълимнинг учта устуни компонентлари.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури узлуксиз таълим ва тарбия жараёнини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган бўлиб, унда олий таълим алоҳида ўринни эгаллайди. Олий таълим муассасаларининг энг муҳим вазифаларидан бири бу талабаларни замонавий ўқув дастурлари асосида юқори савияда мақсадли ўқитиш ва малакали кадрлар тайёрлашни таъминлашдан иборат.

Олий таълимни ислоҳ қилишнинг ҳозирги талабларини бажариш, аввало, ўқитувчига катта масъулиятни юклайди. Олий таълим муассасаси ўқитувчисининг қасбий фаолияти бўлажак педагоголарни ўқув жараёнида таълим олиши учун қўйилган талаб ва қобилияtlарини шакллантиришга шароитлар яратиб беришга йўналтирилган бўлиши лозим.

Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур ва пухта билимга эга бўлиши билан, ўқув жараёнида керак бўладиган илмий-назарий билимларига таяниб ўқув жараёнига киришар экан, педагогик ва психологик билимларни мукаммал билиши, дарс бериш усуслари ва методикасини ҳамда технологиясини эгаллаган бўлиши керак.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида куйидаги фикрлар билдирилган: “Ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг каттагина қисми яхши тайёргарлик кўрмаганлиги, уларнинг билим ва қасб савияси пастлиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда, малакали педагог кадрлар етишмаслиги сезилмоқда.” [И.А.Каримов «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» –Тошкент: Шарқ, 1998. –64 б.] [2].

Хусусан, таълимнинг сифатини ошириш учун, авваламбор, шу соҳадаги муаммоларни ўрганиш зарур. Ушбу муаммоларни бартараф этиш уларни аниқлаш ва ҳал қилишдан бошланади. Ҳадисда айтилганидек: “Билимларга интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун вожиб” экан, илмга интилган ҳар бир инсонга сифатли таълим бериш ҳам жуда-жуда зарурдир. Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий тенденциялар таъсирида бугунги кунда таълим олиш соҳасида жиддий ўзгартирilmоқда. XXI аср цивилизациясининг ютуқлари ва қарама-қаршиликлари, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, ахборотнинг ошиб бораётган ҳажми, ижтимоий кескинлиги ва бошқа бир қатор обьектий омилларни эгаллаш жараёнининг татбиқ этишига сабабли бўлди. Илмий-техник тараққиёт, иқтисодиёт, сиёsat ва мағкурият инсоннинг жисмоний ва маънавий қобилиятини кўрсатган ҳолда ижтимоий ривожланиш манбасига айланиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистонда 2023 йил «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»
2. И.А.Каримов «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» –Тошкент: Шарқ, 1998. –64 б.
3. Б. Маъмурев. Сифатли таълим – келажак пойдевори
4. С.Е.Шишов Технологическое образование: проблемы современного этапа развития. Вестник РМАТ № 1 • 2017.50-54 стр
5. Е.В.Набиева “Медиалингвистика” Теоретические и методические проблемы современного образования: материалы Междунар. науч.-практ. конф. М., 2018 С. 32-35
6. Б.И.Нежнов, Б.Д.Хасанов, Н.В.Эльконин. Диагностика учебной успешности- в начальной школе. М.: Университетская книга, 2007.167 страниц

